



ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК-ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ҲАДИСЛАРДА ТАСВИРЛАНГАН ИЛК КЎРИНИШЛАРИ

Разов Б.М.

*Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий институти
Қорақалпоғистон филиали эркин изланувчиси*

Таянч сўзлар: ҳадис, педагогик технология, педагогика, талабалар, ўқитиш жараёни, жамоат, нутқ, имло усули, глобал муаммолар, тиниқ нутқ, одоб-ахлоқ, ривожланган давлатлар, мадраса.

Ключевые слова: ҳадис, педагогическая технология, педагогика, студенты, процесс обучения, сообщество, речь, способ правописания, глобальные проблемы, понятная речь, нравы, развитые страны, медресе.

Key words: hadith, pedagogical technology, pedagogy, students, learning process, community, speech, spelling method, global problems, understandable speech, customs, developed countries, madrasah.

Мадрасалар қадимдан олий ўқув юрти мақомида бўлган. Уларнинг пайдо бўлиши ўқитишда янги усулларнинг вужудга келиши билан узвий боғлиқдир. VIII-IX асрларда талабалар асосан масжидларда ўқитилар, уларда ҳар хил фанлар ўқитилар эдилар. Талабаларга ўқитиш жараёнида айтиб турилган, улар ёзганлар. Унинг асослари ва одоблари бўлган. Бу «Имло усули» деб юритилган. Талабалар сони кўплигида устоз бу усулдан фойдаланган. Бунда устоз айтган гапни ортидан бир киши қайтадан айтиб турган, токи эшитувчи ёки ёзиб олувчи тўғри эшитиб, ёзиб олиши учун. Такрорловчининг лафзи теран, овози ўткир ва тиниқ нутқ қилиши керак. Жамоат янада кўпайиб кетадиган бўлса, имло қилувчилар сонини кўпайтиришган. Улар бир-бирларидан эшитиб, узоқроқда турганларга етказишган. Тарихда баъзи олимларнинг муҳозарасида еттигагача имло қилувчилар бўлган.

Имло усулига «Қиёслаш усули» боғланади. Мазкур усул ёзилган нарсанинг тўғри нақл қилинганини ва тўғри ёзилганини таъкидлаш учун жорий қилинган. Ато ибн Ясор розиёллоху анхудан ривоят қилинган бу усулнинг



кадимдан қўлланилганига ҳужжат бўлади. Бир киши Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ҳадис ёзиб олдилар. У зот: «Ёздингизми?» – деб сўрадилар. «Ҳа», – деб жавоб қилди. «Ёзганларингни кўриб қиёслаб чиқдингми?» – дедилар. «Йўқ», – деди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Унда ёзмабсан, ҳатто кўриб, текшириб, тўғри эканлигини билмаганингча», – дедилар. Ибн Умарнинг мавлосига бир куни «Улар сизнинг айтганларингизни ёзиб олдилар», – дейилди. У киши: «Олдимга келсинлар, ёзганларини уларга тўғрилаб берайин», – деди.

Албатта, илм ёзилиб борилиши орқали янада мустаҳкамланади. Шунинг учун ҳам ҳозирги таълим жараёнида илм ўргатиш билан бир қаторда ёзилиб борилиши ҳам текширилиб борилади. Демак, бу эски даврлардан берли амалда экан.

Ибн Журайж ибн Маърур айтади: «Абдуллоҳ ибн Умар: «Эй Расулуллоҳ, биз сиздан ҳадисларни эшитамиз, уни ёзиб борайликми?» деб сўрадилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳа», дедилар. Мен: «Хурсанд ва ғазабланган пайтингизда ҳамми?» дедим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳа, чунки мен иккала ҳолатда ҳам фақат ҳақни гапираман», – дедилар».

Эшитиш усулида устоз талабаларнинг ёзишларига аҳамият бермайди. Кимдир ёзиши мумкин, кимдир фақат эшитиб ўтириши мумкин. Бу усулда ёзиб ўтириш талаб қилинмайди. Азалдан шогирднинг муаллим олдида ундан эшитиб, оғизма-оғиз илм олиш усули тараққий этган. Билим ўрганиш билан машғул бўлган барча кишилар буни тасдиқлайди. Бу муаллим билан илм ўрганувчи ўртасидаги хусусият, ўзига хос фазилат саналади.

Таълим олувчи ўзи мустақил равишда кўп мавзуларини ўқиса, ёдласа, эсида сақлаб қолиш учун қайта-қайта такрор қилсада, барибир, олган билимини бутун моҳияти билан тушунолмади. Муаллим эса илмнинг моҳиятини бир оғиз сўз билан тушунтириш қувватига эга.

Ушбу ҳадиси шарифни мисол тариқасида келтирайлик.

Усайдий розиёллоҳу анҳу Расулуллоҳ алайҳи ва салламга шикоят қилиб: «Биз сизнинг олдингизда эканлигимизда шундай кайфиятда бўламизки, бундан ўзимиз рози бўлиб турамыз. Сиздан ажралиб ўз юмушларимизни билан бўлган вақтимизда бу кайфиятда бўлмаймиз», – деди. У зот: «Агар сизлар менинг олдимда бўлганингиз каби бўлсангиз, фаришталар қанотлари билан сизларга соя қилиб юрар эди», – деди.

Ҳозирги дунё ўта мураккаб, ўзаро боғлиқ, тез ўзгарувчан, кайси йулдан ривожланишини олдиндан айтиб булмайдиган, хавф-хатарга тўла бў-

либ бормоқда. Бундай дунёга одатдаги улчовлар билан ёндашиш мумкин эмас. Цивилизациянинг ривожланиши шу даражада жадал суръат олдики, бунда инсон ўзи глобал муаммоларни бевосита хис этмасдан туриб, ундан ўрин олишга қодир бўлмайди. Таълим тизими дунёда юз берган ўзгаришларга мослашиб улгурмай, ўзига қўйилаётган маънавий-ахлоқий ва инсонпарвар талабларга жавоб бермай қўйди. Таълим тизимини бугунги кун маънавий-ахлоқий ва инсонпарварлик талабларига мослаштириш оламшумул муаммога, буни тушуниш эса - таълим тизимида давлат, жамият ва фуқаролар муносабатининг асосий белгисига айландики, бу таълим тизими фақат миллий ёки сиёсий манфаатларга хизмат қилувчи тизимдир, деган тасаввурларга барҳам берди.

Ҳозирги вақтда ривожланган мамлакатларда таълим жамиятнинг, бир томондан, асосий ишлаб чиқарувчи кучи - инсонни маънавий-ахлоқий ва интеллектуал жиҳатдан юксалтирадиган, бошқа томондан эса - инсонпарвар дунёқарашини шакллантириш манбаи, жамиятнинг инсонпарварлилик даражаси кўрсаткичи ҳисобланадиган йирик тармоғига айланиш тенденцияси ўзига хос кўринишда намоён бўлаётгани тасодифий бир ҳол эмас. Мамлакат қудрати ва обрў-эътибори аввало таълим тизимининг инсонпарварлашуви билан белгиланиши аниқ-равшан тус олмоқда.

Мустақил Республикамиз фуқаролари, хусусан ёшлари руҳиятида инсонпарварлик тўйғуларини шакллантириш, уларни ривожлантириш демократик, адолатли жамиятни барпо этишнинг муҳим кафолати саналади. Шунинг учун инсонпарварлик тўйғуларини шакллантириш бутун таълимий - тарбиявий ишимизнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолмоғи лозим. Миллат ўзлигини қанчалик чуқур англаса, ўзининг иззатини, қадр-қимматини жойига қўйса, уни бошқалар ҳам улуғлайди, ҳурмат қилади.

Ёшларни бугунги кун талабига жавоб бера оладиган ҳолда тарбиялаш, улари етук билимли шахс сифатида шакллантиришда оила ва маҳалланинг ўрни ва таъсири ҳам беқиёсдир. Таълим-тарбия асосан оиладан бошланади. Оилада фарзандлар келажаги, хусусан уларнинг бирон-бир касбни эгаллаши, билим олиши учун қайғуришади. Ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиясини юксалтиришда миллий таълим моделининг имкониятларига тўхталадиган бўлсак, азалдан ўзбек халқи маънавий-маърифий ва ахлоқий жиҳатдан юксак даражада тарбияланган ҳисобланади.

Ислом динига хос қоидалар, қадимий анъана ва қадриятларга содиқ ўзбек миллати ўзининг инсонпарварлик ғоялари билан асрлар оша ном қозониб келмоқда. Ўзбек миллатнинг бугунги кунда яққол намоён бўлаётган



инсонпарварлиги кекса ёшдаги улуғ кишиларга ҳурмат, кичикларга меҳр-шафқат, иззат, муҳтожларга хайр-саховат қилиш, ота-она измида туриш, қариндош-уруғнинг, куни-қўшнининг оғирини енгил қилиб, ташвишу-қувончларига шерик бўлиш каби инсонийлик фазилатлари беҳисобдир. Ана шу эзгу ҳислатларга зид қарашларни ўзида шакллантирган худбинлар, миллатфурушлар, хоинлар, қора ниятли кишилар оз бўлса-да, учрайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, муқаддас ислом динимизни пок сақлаш, уни турли хил ғаразли хуруж ва хамлалардан, тухмат ва бўхтонлардан ҳимоя қилиш, ислом маданиятининг эзгу ғояларини кенг тарғиб қилиш бугунги кундаги энг долзарб масаладир.

Ҳозирги кунда ана шу ноёб ва муътабар мероснинг қай даражада сақланиб, авайланиб келинаётгани, уни ҳар томонлама ўрганиш, кенг омма, айниқса, ёшлар онгига сингдириш, жаҳон жамоатчилигига тарғиб этиш борасида амалий ишлар фаол олиб борилмоқда. Ватанимиз келажаги бўлган баркамол авлодни етиштириш учун миллатимизнинг ҳар бир вакили ўз фарзандини миллий ғоямиз, қадриятларимиз, тилимиз, муқаддас динимиз, маданий бой ўтмишимизда чуқур из қолдирган буюк сиймоларимизга муҳаббат ва ҳурмат руҳида тарбиялаш билан бирга жаҳоний ўзигагина хос бўлган инсонпарварлик, байналмилаллик ва самимийлик ва бағрикенглик руҳида ҳам тарбиялашимиз, бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам зарурроқдир. Тарихнинг ўтган қисқа даврида биз эзгу мақсадларга эришишда, миллий қадриятларимиз ва ўзлигимизга садоқат билан ҳаёт кечирришда, ўз ғоямиз, ғуруримизни англашда муқаддас динимизнинг ўрни ва аҳамияти бекиёс. Бу тўйғунинг илдизи бўлган ўтмиш эса бугунги кунга ҳамоҳанг буюк аждодлар ғоялари, тафаккури билан маънавий боғлиқдир.

Бугунга келиб дунёда ўзига яраша юксак салоҳияти, беназир нуфузига мос равишда ўрин эгаллаётган мустақил Ўзбекистон аталмиш давлат бор экан, бу юртда ана шу номга муносиб миллат яшамокда. Бу юртда унинг ота-боболари, авлод-аждодлари, буюк зотлари яшаб ўтган. Дунёда миллатлар кўп, улар ичида буюк ўтмишга эга бўлган ўзбек миллати ҳам бор. Жаҳон аҳли Ўзбекистонга қараб, бизнинг миллат сифатидаги қиёфамизни, муқаддас динимизга хос бўлган маънавий-ахлоқий тамойилларни кўради.

Миллий мустақиллик туфайли жамият ҳаётининг барча соҳаларида аста-секин амалга оширилаётган покланиш, биринчи навбатда, таълим тизими модернизацияси асосида тобора ойдинроқ кузга ташлана бошлади. Ёш авлодни ватанпарварлик, инсонпарварлик, миллатпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий ғурур тўйғусини кўчайтириш, уларда иймон, виждон,



ҳалоллик, поклик, меҳнатсеварлик, ишбилармонлик сингари ҳислатларни шакллантиришда миллий таълим ва тарбия тизими имкониятларидан кенг ва унумли фойдаланиш, ҳар бир фуқарони интеллектуал жиҳатдан юксак салоҳиятли инсонга айлантириш бугунги кундаги маърифий-тарбиявий ишларнинг асосий мақсадидир. Интеллектуал салоҳиятли, иймони, эътиқоди ва ахлоқий фазилатлари кучли, миллий масъулият тўйғуси қалбида чуқур томир отган ёшларга эга мамлакатгина мустақил ва барқарор ривожлана олади. Шунинг учун жамиятимизда ёшларни тарбиялаш ишлари Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш вазифалари билан боғлиқ ҳолда олиб борилмоқда.

Адабиётлар:

1. Гулобод Кудратуллоҳ кизи, Ровшан Ишмуҳамедов, Малика Нормуҳаммедов. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. «Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқат маркази» нашриёти. Самарқанд – 2019.
2. А.Чориев, Н.Чориев «Педагогика тарихи методологияси». «Фан» нашриёти / Тошкент – 2010.
3. А.Чориев, И.Чориев «Педагогиканинг фанлараро боғлиқлик методологияси». «Фан» нашриёти / Тошкент – 2011.
4. Белова С.Н., Шамова Т.Г., Ильяина И.В. Мактаб таълими натижаларини баҳолашнинг замонавий воситалари. - М.: Россия Педагогика Жамияти, 2007.
5. Калней В.А., Шишов С.Е. "Ўқитувчи-шоғирд" тизимида таълим сифатини мониторинг қилиш технологияси. Ўқитувчи учун услубий қўлланма. Россия Педагогика Жамияти. М.: - 1999.
6. Фарберман Б., Мусина Р., Жумабоева Ф. Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. -Т., 2002.
7. Турдиева Ш. (2022). Ҳадис илмининг ёш авлод тарбиясидаги аҳамияти. Eurasian journal of social sciences, philosophy and culture. Vol. 2, Issue 6.
8. Болибеков А. "Мактаб адабий таълимий орқали ўқувчилар ахлоқини такомиллаштиришда ҳадислардан фойдаланиш йўллари". Тошкент-2007.
9. Асқарова О Ъ. М., Ҳайитбоев М., Нишонов М. S. Педагогика. Тошкент. 2008.
10. Мавлонова Р., Воҳидова Н., Раҳмонқулова Н. Педагогика назарияси ва тарихи. Тошкент. 2010.
11. Ҳасанбоев Ж., Тўрақулов Х. А., Асқаров И. Ш. Педагогика. Тошкент. 2016.
12. Мавлонова Р., Матназарова К. Умумий педагогика назарияси ва амалиёти. Тошкент. 2013.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада замонавий педагогик-технологияларнинг ҳадисларда тасвирланган илк қўринишлари ҳақида сўз юритилади. Шу билан биргаликда ҳадисларнинг ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашдаги аҳамияти ва ўрни ҳақида сўз боради.

РЕЗЮМЕ

В данной статье говорится о первых проявлениях современных педагогических технологий, описанных в хадисах. Наряду с этим обсуждается значение и роль хадисов в нравственном и нравственном воспитании молодежи.

SUMMARY

This article discusses the first manifestations of modern pedagogical technologies described in the Hadith. Along with this, the significance and role of the Hadith in the moral and ethical education of youth is discussed.